

# Давлат-хусусий шериклик – бошқарувнинг самарали усули

**Давлат-хусусий шериклик нима?**

**Давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлик.**

**Давлат-хусусий шериклик иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.**

Давлатимиз Раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги 4300-сонли Қарорига асосан 2019 йилда амалга оширилиши режалаштирилган 15 та лойиҳа тасдиқланган. Давлат-хусусий шерикликнинг устувор тармоқларидан бири коммунал ҳуҷалик соҳаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 3 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. Иssiқлик таъминоти тизими бора-сида тўхталсан, Тошкент шаҳар ҳо-кимиияти ва Осиё тараққиёт банки томонидан пойтахт иссиқлик тармоқлари тизимини узоқ муддатли ижара шартида бошқарувга топшириш бўйича кўмак кўрсатишга келишиб олинди. Осиё тараққиёт банки лойиҳадаги битимлар бўйича хорижий компаниялардан келиб тушган таклифларни баҳо-лаш ҳамда амалдаги давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги қонун талабларига кўра энг мақбул хорижий компанияни “Тошисиққуввати” ДУК билан ижара шартномасини имзолашда кўмаклашади. Давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида мазкур лойиҳаларни амалга оширишдан асосий мақсад коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвесторларни кенг жалб қилган ҳолда, модернизациялаш ва реконструкциялаш, тармоқлардаги мавжуд йўқотишларни буткул бартараф этиш ва соҳада автоматлаштирилган хорижий IT технологияларни кўллаш орқали юзага келаётган авария ҳолатларининг олдини олиш ҳамда замонавий менежмент усуллари ва жараёнларни кўллашдан иборат.

Соҳада нодавлат секторни яна-да ривожлантириш, моддий-техни-ка базасини мустаҳкамлаш, соҳада давлат-хусусий шериклиги учун кулагай шарт-шароитлар яратиш,



аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тоза ичимлик сувини етказиб бериш ҳамда оқава сув хизматларидан фойдаланиш бўйича функциясини ишончли давлат-хусусий шерикликка ўтказиш, қишлоқ жойларда янги бошқарув услугларини ишлаб чиқиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Наманганд ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича Осиё Тараққиёт Банки томонидан консультантлар иш олиб бормоқда.

Жорий йилнинг 8 октябринда Осиё Тараққиёт Банки вакиллари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги масъул ходимлари учрашуви бўлиб ўтди ҳамда консультантлар 7-18 октябрь кунлари ўз иш фаолиятини бошлашди. Иш жараёнида Самарқанд, Бухоро, Наманганд ва Қарши шаҳарларига ташриф буюришди. Дастребаки қилинган ишлар тўғрисидаги бошлангич ҳисоботлар жорий йилнинг 15 ноябринда вазирликка тақдим этилди.

Бугунги кунда Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ичимлик суви ва канализация тизимларини давлат-хусусий шерикликка ўтказиш бўйича даст-

лабки бизнес лойиҳалари қабул қилиниб, вазирлик ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Тошкент вилоятида жойлашган “Мусаффо Оби Ҳаёт” МЧЖнинг синов тариқасида Тошкент, Қибрай ва Зангиота туманларини ҳамда Хоразм вилояти Янгиариқ ва Янгибозор туманларини қамраб олувчи давлат-хусусий шериклик бошқаруви корхонаси тақдимоти ўтказилди. Мазкур лойиҳа ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига тақдим этилиб, бугунги кунда агентлик томонидан ижобий хулоса олинниб, лойиҳа концепцияси вазирлик сайтига жойлаштирилди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти Бўстонлиқ ва Бўка туманлари, Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманларини давлат-хусусий шериклик бошқарувига бериш бўйича лойиҳа концепциясини вазирлик сайтига жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**Норбой ТАЙМАКОВ,  
Тариф сиёсатини бошқариш ва  
уй-жой фондини  
ривожлантириш бошқармаси  
таркибида Сув  
таъминоти ва канализация  
тармоғида давлат-хусусий  
шерикликни ривожлантириш  
шўйбаси мудири.**



## ГУП «УЗБЕККОМУННАЛЛОЙИХАКУРИЛИШ»

*поздравляет всех с новым годом,  
Чтоб в каждый дом пришла удача,  
здоровье, счастье и успех,  
не знайте горя и беды, пусть  
Вас обходят все ненастья!*

